

**“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти  
ягона акциядорининг 5-сон  
ҚАРОРИ**

2021 йил 25 май

Тошкент шаҳри

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябридаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги 170-сон “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

**1. “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг ички корпоратив низомларини тасдиқлаш;**

**2. “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Кузатув кенгаши мустақил аъзосини тайинлаш.**

*Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:*

- “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом 1-иловага;

- “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом 2-иловага;

- “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Бошқарув органи тўғрисида”ги Низом 3-иловага;

- “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом 4-иловага **мувофиқ тасдиқлансин.**

*Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 майдаги 06/1-657-сон хатига асосан Понкратова Ольга Игоревна “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Кузатув кенгаши мустақил аъзоси сифатида тайинлашга розилик берилган.

Шунга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига биноан Понкратова Ольга Игоревна “Навой кон-металлургия комбинати” АЖнинг Кузатув кенгаши мустақил аъзоси сифатида тайинласин.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Навой кон-металлургия комбинати” АЖнинг бошқарув раиси К.С.Санакулов зиммасига юклатилсин.

Вазир



Т.Ишметов